

ЎЗБЕКИСТОН - ИСЛОМ

ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ
МАРКАЗИ



Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал

1(6)-
2023
МАХСУС
СОҢ



ISSN 2181-9661

Муассис
Ўзбекистондаги Ислом
цивилизацияси маркази

Таҳрир хайъати:
Акбар ҲАКИМОВ
Жаннат ИСМОИЛОВА
Шовосил ЗИЁДОВ
Умид МАҲМУДОВ
Зоҳидулло МУНАВВАРОВ
Закирбой КАРИМОВ
Гулнора ҒАНИЕВА

Бош муҳаррир
Шоазим МИНОВАРОВ

Бош муҳаррир ўринбосари
Фирдавс ҲАЛИМОВ

Масъул котиб
Илҳом БЕКМИРЗАЕВ

Муҳаррир
Анвар МАТНИЯЗОВ

Саҳифаловчи дизайнерлар:
Уйғун СОЛИҲОВ
Муҳаррам ЗОЙИТОВА

Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва Ахборот агентлигида
0987-рақам билан рўйхатга
олинган.

Матнларда фойдаланилган кўчир-
ма ва маълумотлар аниқлиги учун
муаллифлар жавобгардир.
Журналдан кўчириб босилганда
манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: 100002, Тошкент
шаҳри, Қорасарой кўчаси, 47-уй.
Телефон: (+99871) 227-15-48.
Веб-сайт: www.cisc.uz,
e-mail: info@cisc.uz

Журнал андозаси таҳририятнинг
компьютер бўлимида тайёрланди.
Босишга рухсат этилган сана: 25.05.2023.

Қоғоз бичими 60x84. 1/8.
Ҳажми: 11,5 нашр табоқ. 11,5 босма т.
Адади 500 дона. Буюртма № 400.

ISSN 2181-9661

«SAYDANA-PRINT» МЧЖ босмахо-
насида чоп этилди. Тошкент шаҳар
Камарнисо кўчаси 3-уй.
Тел.: (99) 862-08-43.

МУНДАРИЖА

- Шоазим Миноваров.* Илм-маърифат маскани.....4
- Зоҳидулло Мунавваров.* Мовароуннаҳр илмий марказлари
ғоясини визуаллаштиришнинг аҳамияти.....10
- Камола Акилова.* Муслмон олами маънавий маконида
интеграцион жараёнларнинг ўрни.....18
- Ғайбулла Бобоёров.* Ўрта Осиёнинг илк муслмон
тангалари: араб, форс ва туркий маданиятлар
уйғунлиги.....26
- Акбар Ҳакимов.* Ислом цивилизацияси маркази
музейи концепциясида тасвирий санъат ва
хунармандчиликнинг ўрни (қадимги ва ўрта аср
давлари).....34
- Шовосил Зиёдов.* Ислом даври Марказий Осиё
сфрагистикаси намуналарини музей экспозицияларида
ёритишнинг аҳамияти.....44
- Абдумажид Мадраимов.* Марказий Осиёда миниатюра
санъати ривожини музей экспонатларида акс эттириш
масаласи.....50
- Максет Қарлибаев.* Қорақалпоғистон ислом мероси
осори-атиқалари ва уларни музейлаштириш
масалалари.....56
- Фирдавс Ҳалимов.* Ўзбекистондаги Ислом
цивилизацияси маркази архив фондини вақф
ҳужжатлари билан бойитиш масаласи.....62
- Ҳалим Тўраев.* Музей экспозициялари тасаввуф
тарихини ўрганиш воситаларидан бири сифатида.....68
- Равшан Худайберганов.* Марказий Осиё картографияси
ютуқларини музейда акс эттириш масалалари.....76
- Матлуба Раҳманкулова.* Марказий Осиё муқовасозлик
санъатини музей экспозициясида акс эттиришнинг
аҳамияти: темурийлар даври муқовалари мисолида....82

Ҳалим ТўРАЕВ,

Бухоро Давлат университети,
тарих фанлари доктори, профессор.

МУЗЕЙ ЭКСПОЗИЦИЯЛАРИ ТАСАВВУФ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ ВОСИТАЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

Аннотация. Мақолада Марказий Осиё тасаввуф тариқатлари тарихини музей экспозициясида оммага етказиш масаласи ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Яссавия, кубровия ва хожгон тариқати тарихини акс эттирувчи тасаввуф таълимотининг ижтимоий, маданий, маънавий, фалсафий динамикасига бағишланган экспозициялар ташиқил этишига оид тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ислом, тасаввуф, тариқат, яссавия, кубровия, нақшбандия, хожгон, Амир Темур, мутасаввиф, музей, экспозиция.

Тасаввуф ва тасаввуф тариқатлари, жумладан, хожгон тариқати тарихи, унинг ижтимоий-маънавий моҳияти тўғрисида кўплаб рисола ва мақолалар эълон қилинган, тадқиқотлар олиб борилган. Мамлакатимиз ва жаҳон тасаввуфшунослиги бу борада катта ютуқларга эришди. Агиографик адабиётнинг муҳим ҳисобланган намуналари илмий-изоҳли таржима юзини кўрди. Аммо тасаввуфнинг экспозицион тарихини, тасаввуфни музей экспонатлари воситасида тадқиқ ва тарғиб қилиш ҳали оммалашмаган. Чунки бу талқиннинг алоҳида хусусиятлари ва қийинчиликлари мавжуд.

Тасаввуф тарихига оид адабиётлар, хусусан, таржима асарларга бўлган илмий эҳтиёж аксар ҳолларда мутахассислар, соҳа билан қизиқувчиларга хос бўлса, тасаввуф тарихига бағишланган музей экспозициясини жамиятнинг барча қатламлари томоша қилади ва ўз билим, маърифий дунёқараши доирасида идрок этади, талқин қилади. Хуллас, музей экспонатларини “тилга киритиш” орқалигина тасаввуфни оммабоп тарзда тушунтириш мумкин.

Масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам

мавжуд. Тасаввуфнинг илк даврларига оид асл экспонатларнинг мавжуд эмаслиги ёки миқдорининг озлиги айрим қийинчиликларни юзага келтиради. Масалан, тасаввуф амалиёти билан билан боғлиқ ритуал ашёларнинг қадимий намуналари кам учрайди. Бундай вазиятда муляжлардан фойдаланишга тўғри келади. Тасаввуф тарихига доир асарлар кўп бўлишига қарамай, уларнинг қадимий қўлёзма нусхалари деярли йўқ, мавжудлари эса кейинги асрларда қайта кўчирилган нусхалардир. Музей экспозицияси яратилаётганда бу ҳолатлар инобатга олинishi керак.

Тасаввуф таълимотининг ижтимоий, маданий, маънавий, фалсафий динамикасига бағишланган экспозицияда яссавия, кубровия ва хожгон тариқатлари тарихини акс эттирувчи буюмлар намойишга қўйилиши табиий. Ислом таълимоти доирасида шаклланган Мовароуннахр тасаввуф мактабининг экспозицион ифодаси, шубҳасиз, ислом тарихи, унинг муқаддас китоби Қуръони карим нусхалари билан бошланиши манتيқий. Шу ўринда бир нарсани ҳисобга олиш керакки, тасаввуф

Halim To'rayev

Bukhara state university, professor,
doctor of historical sciences

MUSEUM EXPOSITIONS AS ONE OF THE MEANS OF THE STUDY ON THE HISTORY OF THE SUFISM

Abstract: The article expresses opinions about the issue of publicizing the history of Central Asian Sufi orders in the museum exposition. Recommendations are given for the organization of expositions dedicated to the social, cultural, spiritual, and philosophical dynamics of Sufism, reflecting the history of the Yassaviya, Kubraviya, and Khojagan sects.

Key words: Islam, Sufism, tariqat, Yassaviya, Kubraviya, Naqshbandiya, Khojagan, Amir Temur, mystics, museum, exposition.

A number of treatises and articles on the history of sufism and sufi orders, including the history of the Khojagan tariqat, its socio-spiritual essence have been published, research has been carried out. Our country and world Sufism studies have made great strides in this regard. Considered as one of the examples of agiographic literature the scientific-explanatory translation was published. But the exposition interpretation of sufism, research and promotion of sufism through the means of museum exhibits, has not yet become popular. Because this type of interpretation has its own characteristics and complexities.

While the scientific need for works on the history of sufism, in particular translation, is most often inherent in specialists, those interested in the field, the exposition of the museum dedicated to the history of sufism is watched by all layers of society and perceived, interpreted within the framework of its own cognitive, educational worldview. Furthermore, sufism can be explained in a popular way only by “introducing” museum exhibits into the turnover.

There is another aspect of the issue. The

lack or small number of original exhibits and artifacts dating back to the early periods of Sufism presents some difficulties. For example, there are rare ancient samples of ritual objects associated with the practice of sufism. In such a situation, it is necessary to use waxworks and plaster casts. Despite the large number of works on the history of Sufism, there are almost no ancient manuscript copies of them, while the existing ones are copies reproduced in later centuries. These situations must be taken into account when creating a museum exposition.

In an exposition dedicated to the social, cultural, spiritual, philosophical dynamics of the doctrine of sufism, it is natural that items and artifacts reflecting the history of the Yassaviyya, Kubraviyya and tariqats of khojagan are put on display. The expositional expression of the Mavorounnahr school of Sufism, formed within the framework of Islamic doctrine, is undoubtedly the history of Islam, whose holy book begins with copies of the Holy Quran. At this point, one thing must be taken into consideration that for the people of sufism, love for Allah and seeing the face of Allah were above all else. This was reflected

аҳли учун Аллоҳ ишқи ва дийдори ҳамма нарсадан устун турган. Бу нарса тасаввуф аҳлининг эмоционал ҳаракатларида, кучли ҳиссиётларида ўз ифодасини топган ва айрим ҳолларда у ижтимоий муҳитга мос келмаган ҳамда эътирозларга сабаб бўлган.

“ат-Таъарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф” асари муаллифи Абу Исҳоқ Калободий (ваф. 990), “Шарҳ ат-таъарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф” асари муаллифи Мустамлий Бухорий (ваф. 1043) каби тасаввуф назариётчилари ёзма меросининг экспозицион ифодаси тасаввуф таълимоти моҳиятини чуқурроқ тушунишга хизмат қилади.

Тасаввуф асида солиқнинг амалий фаолиятида ўз ифодасини топган. Илмий тилда бу “тасаввуф амалиёти” деб аталди. Мовароуннаҳрда мавжуд тариқатлар амалиётида айрим фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Бу фарқли зикр масаласида кузатиш мумкин. Яъни, яссавия тариқатида ошқора (жаҳрия), хожагон тариқатида овозсиз (хуфия) зикр амалиётнинг асосини ташкил этса, кубровия тариқатида муриднинг руҳий холатини унинг кўз олдида намоён бўладиган нукта, доғ ва доира белгилаган. Доира – фалак ва ундаги доираларнинг айланishi, доғ – дунё тимсоли, нукта – ваҳдат. Бунда нукта сари интилади ва унинг моҳиятини англаш орқали Аллоҳ оламини идрок этади, деган гоё илғари сурилади. Ушбу масаланинг экспозицион кўринишини таъминлаш учун зикрлар амалга оширилган махсус бинолар, хонақоҳлар суратларидан фойдаланишни тавсия этиш мумкин.

Тасаввуфий гоёларни ўзининг “Девони хикмат” асарида назмий баён этган Аҳмад Яссавий (XII аср) фаолиятини акс эттирувчи экспонатлар музей залларидан ўрин олиши керак.

Тасаввуфнинг мўғул босқинчиларига қарши курашдаги ўрнини Кубровия тариқати шайхи Нажмиддин Кубро мисолида кўрсатиш мумкин. Бунда унинг асарлари қаторида Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарининг нашрий нусхасини экспозицияга қўйиш керак. На-

воий ўз асарида Нажмиддин Кубро ҳақида ёзади. Фаридуддин Аттор ҳам “Мазҳар ул-ажойиб” асарида хоразмлик буюк авлиё Нажмиддин Куброни шахсан кўрганлигини ёзади.

Машҳур шарқшунос олим Э.Е.Бертелс ўз вақтида Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтининг қўлғезмалар фондидан Нажмиддин Кубро ҳаётига оид 116 варақдан иборат катта ҳажмдаги қиссани топган эди. Бертелс бу қиссанинг тузилиши ҳақида батафсил тўхталиб ўтади ва ушбу маълумотга асосланиб, шайхнинг ҳаёти ҳамда унинг мўғуллар истилоси пайтидаги жасоратини тўлақонли ёритади. Шунингдек, Кубровия тариқати вакили Сайфиддин Бохарзийнинг мўғулларни исломга даъват қилиб, айримларини исломга киритишга эришгани хусусидаги маълумотлар мавжуд бўлиб, буни шайхнинг Бухородаги хонақоси ва унинг олдида жойлашган мўғул хони Баёнқулихон макбараси суратлари орқали бериш мумкин.

Хожагон-нақшбандия тариқатининг тарқалиш географияси Яссавия, Кубровияга нисбатан кенгрок. Яссавия Туркистон (ҳозирги Қозоғистон), Тошкент, Самарқанд, Бухоронинг Кармана вилоятида устувор мақомга эга бўлса, Кубровия кўпроқ Хоразмга хос. Лекин Кубровиянинг Бухорога ҳам қисман тарқалиши Нажмиддин Кубронинг муриди Сайфиддин Бохарзий шахси мисолида маълум бўлади. Шунингдек, Яссавия тариқати вакиллари Бухорода ҳам фаолият юритгани Қосим Шайх Азизон, Мавлоно Шариф, Халифа Худойдод каби тариқат пешволари мисолида ўз тасдиғини топади.

Хожагон-нақшбандия тариқати Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистон, Хуросон, шимолий Ҳиндистон, қисман Казказда ўз тарафдорларига эга бўлган. Ҳозирги пайтда эса Туркия, Малайзияда унинг намоёндалари мавжуд. Ўрта аср агиографик адабиётида хожагон-нақшбандия тариқати “Силсилаи заҳоб”, яъни “Олтин занжир” деб аталган. Абдуҳолиқ Гиждувоний томонидан ўртага ташланган ва Баҳоуддин

in the emotional actions, strong feelings of the people of sufism, and in some cases it did not fit into the social environment and caused objections.

The expositional expression of the written heritage of theorists of tasawwuf, such as the author of the work “At-ta’arruf li mazhab at-tasawwuf”, Abu Ish’aq Kalabadi (died in 990), the author of the work “Sharh at-ta’arruf li mazhab at-tasawwuf” Mustamli Bukhari (died in 1043) serves to understand the essence of doctrine of tasawwuf.

Tasawwuf is actually embodied in the practical activities of salik (follower). In scientific language, this is called “the practice of tasawwuf. In Mā warā’ an-nahr, some different aspects are prominent in the practice of existing tariqats. This difference can be observed in the matter of zikr. That is, if the open (jahria) in the tariqat of Yassavi, the khufia (silent) zikr in the tariqat of Khojagon formed the basis of the practice of tariqat, then in the tariqat of kubraviya the mental state of disciple was determined by the point, spot and circle that would manifest before his eyes. A circle is a rotation of the universe and circles in it, a spot is a symbol of the world, a point is a Vahdat. These tend to point and perceive the world of God Allah by understanding its essence. To ensure the expositional appearance of this issue, it is possible to recommend the use of images of special buildings, chambers, where zikrs are made. Exhibits reflecting the activities of Ahmad Yassawi (12th century), who poetically expounded Sufi ideas in his work “Divani Hikmat”, should take place from the museum halls.

The significance of Sufism in the fight against the Mongol invaders can be shown on the example of Najmiddin Kubra, the sheikh of the tariqat of Kubravian. In this, among his works, it is necessary to put on an exposition a publishing copy of Alisher Navoi’s “Nasoyim ul-muhabbat”. In his work, Navoi writes about Najmiddin Kubro. Fariduddin Attar also writes that he saw Najmiddin Kubro himself in his work “Mazhar ul-ajayib”

(a great saint from Khwarezm). The famous Orientalist scholar E.E. Bertels in his time had found a large-scale narrative of 116 sheets on the life of Najmiddin Kubro from the manuscript fund of the Institute of Oriental Studies in St. Petersburg. Bertels goes into detail about the structure of this story, and based on this information, the life of the Sheikh fully illuminates his courage at the time of the Mongol invasion. There is also information about the fact that the representative of the tariqat of Kubraviyya Saifiddin Boharzi, calling the Mongols to Islam and achieving the inclusion of some of them in Islam, which is desirable to give through the images of the Sheikh’s khanaqas in Bukhara and the mausoleum of the Mongol Khan Bayonqulikhan, located in front of him.

The geography of distribution of the Khojagon-Naqshbandiyya tariqat is wider than that of Yassaviyya, Kubraviyya. While Yassaviyya has priority status in Turkestan (now Kazakhstan), Tashkent, Samarkand, Karmana region of Bukhara, Kubraviyya is more typical of Khwarezm. But the partial spread of Kubravia to Bukhara is also known by the example of the figure of Saifiddin Boharzi, Muridi of Najmiddin Kubro. Also, the presence of Representatives of the Yassavian tariqat in Bukhara finds its confirmation on the example of such leaders of the sect as Qasim Sheikh Azizan, Mavlono Sharif, Khalifa Khudaydad.

The Khojagon-Naqshbandiya tariqat had its adherents in Movarounnahr, East Turkestan, Khorasan, North India, partly in Caucasus. And now there are its representatives in Turkey, Malaysia. In medieval agiographic literature, the Khojagani-Naqshbandi tariqat was called “Silsilayi zahhab”, “golden chain”. The motto “Dast ba koru, dil ba yor” (“May Your Hand be in labor, your heart in Allah”), which was initiated by Abduholiq Ghijduvani and developed by Bahauddin Naqshband, has acquired great socio-spiritual significance. A map showing the geography of the distribution of the tariqats, it is desirable that the drawings

Нақшбанд томонидан ривожлантирилган “Даст ба қору, дил ба Ёр” (“Қўлинг меҳнатда, қалбинг Аллоҳда бўлсин”) шиори катта ижтимоий-маънавий аҳамият касб этган. Ушбу тариқатларнинг тарқалиш географиясини кўрсатувчи харита, чизмаларнинг намойишга қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Яна бир нарсани инобатта олиш керак. Нақшбандия тариқатининг деярли барча йирик вакиллари учун касб-кор, ҳунар муҳим ўринга эга бўлган. Уларнинг аксарияти деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг бирон-бир тури билан шуғулланишган. Шу нарсани экспозициянинг илмий-ғоявий йўналишини ташкил қилса, яхши бўларди. Чунки, тасаввуф – дунёвий масалалар, жумладан, ижтимоий ахлоқ, ҳалол меҳнат, инсонпарварлик каби қадриятлар асосига қурилганини экспозиция орқали тарғиб қилиш керак.

Ҳожагон-нақшбандия тариқати асосчиси Абдуҳолиқ Гиждувоний ва унинг устози Юсуф Ҳамадоний маънавий фаолиятига доир қўлёзма китоб нусхалари ва ҳалол меҳнат қилишга даъват этувчи турли ҳунармандчилик буюмлари алоҳида витринада намойиш этилиши керак. Чунки ҳожагон-нақшбандия тариқати солиқни таркидунёчиликка эмас, тирикчилик воситаси бўлган бирон-бир ҳунар билан шуғулланишга даъват қилган. Тариқатнинг ахлоқий-маънавий асосини ташкил этувчи ўн бир шарҳа, яъни қонун-қоида ва уларнинг шарҳи тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўзига хос усулда ташрифчилар диққатига ҳавола этилиши даркор.

Абдуҳолиқ Гиждувоний издошлари Ҳожа Ориф Ревгарий, Ҳожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Ҳожа Али Ромитоний, Ҳожа Бобои Самосий, Ҳожа Амир Кулол, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ижтимоий-маънавий, ахлоқий фаолияти билан боғлиқ буюмлар: кашқул, кулоҳ, ҳасса, яктак (хирқа ўрнида), қўлёзма китоблар, улар томонидан айтилган ибратли ибораларнинг экспозицияга чиқарилиши тавсия этилади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг муридлари

Алоуддин Аттор, Ҳожа Муҳаммад Порсо, шунингдек, Нақшбандия тариқати таълимотини янги тарихий шароитда ривожлантирган ва уни амалиётда татбиқ этган Ҳожа Аҳрор фаолияти, XVII асрдан Мовароуннаҳр ҳудудига қарор топган нақшбандия-муҷаддийа тариқати ва унинг асосчиси Аҳмад Сирхиндий, бу тариқат вакилларида бухоролик Шайх Ҳабибулло ёзма меросининг экспозицион ифодасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Жумладан, Аҳмад Сирхиндий қаламига мансуб “Мақтуботи Имом Раббоний” асарининг қўлёзма ёки тошбосма нусхаси, ёхуд асар илк саҳифаларининг сканер нусхасини намойиш этиш мумкин.

Тасаввуф таълимотининг Шарқ мумтоз адабиётига таъсирининг экспозицион талқинини ёритишда Фаридиддин Аттор, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Бобораҳим Машраб, Сўфи Аллоҳёр ижодидан олинган намуналарга эътибор қаратиш лозим. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд тарихи музейини яратганда, тасаввуфдаги самъа масаласини кўрсатиш учун экспозицияга най қўйилган. Амир Кулолнинг кулолчилик билан шуғулланганини кўрсатиш учун экспозицияга турли сопол буюмлар қўйилган. Албатта, бу мажозий маъно касб этган. Ёки Ҳожа Али Ромитонийнинг тўқимачилик билан шуғулланганини кўрсатувчи ҳар хил ип ва матолар намойишга қўйилган.

Қалободий, Мустамлий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Муҳаммад Порсо, Аҳмад Сирхиндий ва умуман тасаввуфга оид қўлёзма асарлар ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Тасаввуф билан боғлиқ қўлёзмалар ҳам фонднинг энг бой коллекциясини ташкил қилади, унда 2000 га яқин қўлёзма мавжуд. Марказий Осиёда вужудга келган ва бутун ислом оламида машҳур бўлган яссавия, кубровия, ҳожагон, нақшбандия сингари оммавий тариқатлар намояндаларининг қаламига мансуб ёки улар ҳақидаги асарлар бор. Шунга кўра уларни шартли равишда иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин: тасаввуф шайхлари-

be put on public display.

One more thing must be taken into account. For almost all major representatives of the Naqshbandiyya tariqat, the profession was of primary importance. Most of them were engaged in agriculture, some kind of craft. It would be nice if the same thing formed the scientific and ideological direction of the exposition. Because it is necessary to promote through exposition that mysticism is built on the basis of worldly issues, including values such as social morality, honest labor, humanism.

The copies of the manuscript book on the spiritual activities of the founder of the Khojagan-Naqshbandiyya tariqat, Abdulkholik Gijduvani and his mentor Yusuf Hamadani, and various handicrafts encouraging honest work should be displayed in a separate showcase. Because the Khojagan-Naqshbandiyya tariqat called on the salik to engage in any trade, which was a means of livelihood, and not in agriculture. The information and comments about the eleven rashhas, that is, the law and regulations and their interpretation, which form the moral and spiritual basis of the tariqat, should also be referred to the attention of visitors in a specific way.

The items related to the socio-spiritual, moral activities Khoja Orif Revgari, Khoja Mahmud Anjir Faghnawi, Khoja Ali Rometani, Khoja Boboi Samosiy, Khoja Amir Kulol, Khoja Bahouddin Naqshband who are the spiritual followers of Abdulkholiq Gijduvani: kashkul, kuloh, baston, yaktak (in the place of khirqa), manuscript books, recommended to be released into the exposition of instructive phrases spoken by them.

The activities of the disciples of Bahauddin Naqshband Alouddin Attor, Khoja Muhammad Porso, as well as the Khoja Ahror, who developed the doctrine of tariqat of Naqshbandiyya in a new historical context and introduced it in practice, the written heritage of Naqshbandiyya-mujaddiyya Tariqat, which was established in the

Movarounnahr area from the 17th century, and its founder Ahmad Sirhindi, it is necessary to implement the expositional expression of the heritage of Sheikh Habibullo of Bukhara from representatives of this tariqat. In particular, a manuscript or a copy of the “Maktubati Imam Rabbani”, attributed to the pen of Ahmad Sirhindi, or a scanned copy of the first pages of the treatise, can be displayed.

Attention should be paid to the samples taken from the work of Fariddin Attor, Alisher Navoi, Abdurahman Jami, Boborahim Mashrab, Sufi Allahyar in highlighting the expositional interpretation of the influence of the teachings of sufism on Oriental classical literature. For example, when Bahauddin created the Museum of history of Naqshbandiyya, a flute was placed in the exposition to show the issue of sama' in sufism. Various pottery fragments were placed in the exposition to indicate that Amir Kulol was involved in pottery. Of course, this has acquired a figurative meaning. Or various threads and fabrics were put on display, indicating that Khoja Ali Rometani was engaged in weaving.

Manuscript works on Kalabadi, Mustamli, Abduholiq Ghijduvani, Muhammad Porso, Ahmad Sirhindi, and sufism in general are held at the Institute of Oriental Studies of the Academy of sciences of Uzbekistan. Sufism-related manuscripts also make up the foundation's richest collection, with about 2,000 manuscripts. There are works that belong to or about the pen of such manifestations of mass sects as Kubravia, Khojagon, Yassaviyya, Naqshbandiyya, which originated in Central Asia and became famous throughout the Islamic world. Accordingly, they can be conditionally divided into two large groups: theoretical treatises of mysticism sheikhs and their manoqibs. The scan option of the start sheets of works can be obtained by mutual agreement.

Sahibqiron Amir Temur also profoundly realized the essence of sufism and was an in-

нинг назарий рисоалари ва уларнинг ма-
нокиблари. Асарлар бошлангич варақлари
сканер варианттини ўзаро келишган ҳолда
олиш мумкин.


Соҳибқирон Амир Темур ҳам тасаввуф
моҳиятини теран англаб, бутун умри мо-
байнида ўз даврининг улуг тасаввуф на-
моядалари билан суҳбатдош бўлган,
уларнинг панду насиҳатлари ва маънавий
йўл-йўриқларига амал қилиб келган. Амир
Темурнинг ислом динига, тасаввуф илми-
га бўлган муносабатини қуйидагилардан
ҳам англашимиз мумкин: "...Машойихлар,
сўфийлар – Худони таниган орифлардир.
Уларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар
қурдим ва охираат фойдаларини олдим...
Улардан Тангри таолонинг сўзларини эши-
тиб, кароматлар кўрдим, фавқуллода одат-
ларини мушоҳада этдим ва суҳбатларидан
роҳатланиб, ҳузур қилдим". Соҳибқирон
Амир Темур ўз ҳаёти жараёнида машхур
мутасаввифларга, турли тасаввуфий та-
риқатлар машойихларига алоҳида катта
аҳамият бериб, давлат бошқаруви, сиё-
сий-ижтимоий, маънавий-маданий юмуш-
ларини муваффақиятли амалга оширишда
халқ орасида машхур бўлган дин, ирфон,
тасаввуф вакилларининг улкан нуфуздан
усталик билан баракали фойдалангани
маълум.

Амир Темурнинг ички, ташқи сиёсати-
да исломнинг ўрни катта бўлган. Бу темур-
шунослар томонидан эътироф этилган. Ле-

кин масала тасаввуф тўғрисида кетаётган
экан, Шамсиддин Кулол ва Амир Темур
ўртасидаги муносабатларда бунга далил
топиш мумкин. Баҳовуддин Нақшбанд ва
Амир Темур замондош бўлишгани маъ-
лум. Бироқ тарихий асарларда, мақомот-
ларда уларнинг учрашгани, муносабатла-
ри тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ.
Фақат Салоҳиддин Тошкандийнинг 1906
йил тошбосма усулида чоп этилган "Те-
мурнома" асарида уларнинг учрашгани
ҳақида ривоят келтирилади. Маълумотла-
рига шарҳ берган ҳолда шу асарни ҳам экс-
позицияга қўйиш мумкин.

Нақшбандия тариқатининг кейинги
даврдаги давомчилари, жумладан, Қўқон,
Андижон, Бухородаги вакиллари, тариқат
тарихининг чет элларда илмий ўрганили-
ши, Етти пир зиёратгоҳларининг обод қи-
линиши, зиёрат туризмига қаратилаётган
эътибор масалалари ҳам экспозицияда акс
этиши керак.

Тасаввуф яратган таълимот асоси-
даги меҳнатсеварлик, инсонпарварлик,
илм-маърифатга интилиш ва бутун бор-
лиққа муҳаббат ғояси ҳозирги даврда ҳам
долзарб бўлиб, комил инсонни тарбиялаш-
га хизмат қилмоқда. Буюк мутасаввифлар-
нинг поклик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, адлу
инсоф, иймондорлик, меҳнатсеварлик ва
ватанпарварлик каби ғояларидан унумли
фойдаланишда назарда тутилаётган музей
алоҳида рол ўйнаши мантиқийдир.



terlocutor with the great sufism figures of his
time all his life, following their Pandu exhor-
tations and spiritual guidance. The attitude
of Amir Temur towards Islam, the science of
sufism, can also be understood from the fol-
lowing: "...The mashayikhs, the Sufis, are ori-
fices who know Allah. Being in their services,
I had conversations and received the benefits
of the end... I heard the words of the Lord of
them and saw signs, observed their extraordi-
nary habits, and enjoyed their conversation".
It is well established that during his life, Amir
Temur attached great importance to famous
mystics, masters of various sufi tariqats, and
skillfully used the great influence of represen-
tatives of religion, sufism, and irfan, popular
among the people, in the successful imple-
mentation of state management, political-so-
cial, spiritual-cultural tasks.

Islam has a great place in Amir Temur's do-
mestic and foreign policy. This is recognized
by researchers of Timirid epoch. But since the
issue is about Sufism, evidence for this can be
found in the relationship between Shamsid-
din Kulol and Amir Temur. It is known that

Bahauddin Naqshband and Amir Temur were
contemporaries. However, there is no infor-
mation about their meeting and relationship
in historical works and authorities. Only Sala-
huddin Toshkandi's "Temurnama" published
in 1906 in lithography talks about their meet-
ing. This work can also be put on display with
comments on its information.

Successors of the tariqat of Naqshbandi-
yya in the later period, including representa-
tives in Kokand, Andijan, Bukhara, scientific
study of the history of the order abroad, im-
provement of the shrines of Seven Pirs, atten-
tion paid to pilgrimage tourism should be re-
flected in the exposition.

The idea of hard work, humanitarian-
ism, striving for knowledge and love for the
whole being, direction towards enlightenment
based on the teachings created by Sufism, is
still relevant today and serves to educate a
perfect person. We hope that our people will
enjoy the advanced ideas of the great sufis and
scholars, such as purity, correctness, compas-
sion, intelligence, honesty, faith, hard work
and patriotism.

